

Xabar

36
(990)-son

9-sentabr

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2011

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqqa boshlagan

Дунё карвонлари интилган макон

Президентимизнинг 2008 йил 2 декабрдаги "Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинганидан буён ўтган қисқа давр мобайнида жаҳон стандартларига мос, ташқи бозорларда харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, чет эл инвестициялари билан фаолият юритаётган кўшма корхоналар эзгу мақсадни кўзлаб дадил одимламокда. Мустақил Ўзбекистонимиз қудратини мустаҳкамлаётган, юртимиз довруғини ошираётган корхоналар сафи эса тобора кенгаймоқда.

Ҳар йили кутлуг байрамлар арафасида янги корхоналар, иншоотларни қуриб фойдаланишга топшириш анъанаси давом этмокда. Бу гал ҳам вилоятнинг турли сарҳадларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.



5-бет



Сўнгги янгилик!

Берлинда ўтаётган IFA халқаро электроника кўргазмасида Vestel ва BitTorrent компаниялари жаҳондаги биринчи торрент-мижоз функцияли телевизорни намойиш этишди. Янги авлод телевизорлари интернетдан мультимедиа контентни қидириш, кўчириб олиш, намойиш этиш, тарқатиш имкониятларига эга.

Тақдимотчилар мазкур телевизор техника борасида билимлари етарли бўлмаган миждозлар учун мўлжалланганини ва файлларни юклаш жараёнини осонлаштиришини таъкидлашган.

Ушбу сонда:

- Самарқандда "Алоқабанк"нинг янги биноси 2
- Телекоммуникацияга оид қонунчиликни такомиллаштириш соҳа тараққиётининг муҳим омилидир 3
- Новости в сфере ИКТ 6
- Телевизор умр заволи...ми? 11
- Биринчи синф ўқувчиларига компьютер 14

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Диққат, мамлакатимизда газета ва журналлар учун обуна бошланди!

«Xabar» — сизнинг газетангиз. Обуна бўлинг!



Umadan umagacha

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги билан халқимизни муборакбод этди. Байрам тантанаси куй-қушиқ, турли театрлаштирилган композицияларга улашиб кетди.

Жорий йил 31 август кунни пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" хиёбонида халқимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлганларни ёд этиш маросими ўтказилди. Анъанага қўра ош тортилди. Қурбон тиловат қилиниб, қатагон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов иштирок этди. Шу кунни Президентимиз Ислоҳ Каримов Мустақиллик майдонида ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов 28 август кунни Тошкентдаги автомобил двигателлари ишлаб чиқарадиган янги қўшма корхона ва аэровокзалда амалга оширилган ишлар билан танишди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Корея Республикасининг давлат харидлари бўйича агентлиги ўртасида уч томонлама англашув меморандуми имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Давлат статистика қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги "Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари" статистик тўпламини нашрдан чиқарди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуг йигирма йиллик тантаналари арафасида Самарқанд шаҳрида "Шарқ тароналари" саккизинчи халқаро фестивали якунланди. Олий мукофот — Гран-при Жанубий Кореядан ташриф буюрган ижодий жамоага насиб этди. Биринчи ўринга Хитой Халқ Республикаси ва Литва вакиллари лойиқ деб топилди. Ўзбекистон, Россия ва эронлик фестивал иштирокчилари иккинчи ўрин соҳиби бўлишди. Учинчи ўринга эса Туркменистон, Грузия ва Мадагаскар давлатларининг вакиллари эгалик қилишди.

Самарқандда "Алоқабанк"нинг янги биноси

Республикаимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида тўйга тўёна сифатида ОАТ "Алоқабанк"нинг Самарқанд филиали янги биноси ишга тушди. Самарқанд шаҳрининг Мирзо Улуғбек ва Охунбоев кўчалари кесиган жойда қад кўтарган муҳташам уч қаватли бино "Сифат и Д" МЧЖ қурилиш ташкилоти томонидан қурилиб, ишга туширилди. Мазкур бино қурилиши учун жами 4,5 млрд. сўм маблағ сарфланди.

Филиалнинг очилишига бағишланган тадбирни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Ҳасан Муҳитдинов очди. Жумладан, у "Алоқабанк"нинг янги очилган ушбу биноси Андижондаги ва бошқа вилоятлардаги филиалларига қараганда тубдан фарқ қилиши, бундан ташқари, энг улуг ва энг қадрли байрам арафасида ишга тушаётганлиги жуда бир қувонарли ҳол эканлигини алоҳида таъкидлади.

Самарқанд шаҳар ҳокими Акбар Шукуров сўзга чиқиб бу бино ҳам классик, ҳам замонавий усулда бунёд этилганлиги тўғрисида тўлқинланиб гапирди.

— 2002 йилда банкимизда мижозлар сони 128 нафарни ташкил қилар эди. Бугунги кунга келиб улар сони уч бараварга ошди. Дастлаб



банкда ишловчи ходимлар сони 32 нафарни ташкил этган бўлса, бугунда улар сони 48 кишидан иборатдир. Янги банк биноси ишга тушиши билан қўшимча ўнга янги иш ўринлари яратилди, — дейди ОАТ "Алоқабанк" Самарқанд филиали бошлиғи Аҳтам Эгамқулов. — Банк томонидан тадбиркорлик субъектлари, савдо шохобчалари, умумий

овқатланиш корхоналари ва коммунал тўловларни қабул қилиш жойларига терминаллар ўрнатилди.

Янги банк иқтисодиётнинг реал секторига фаолият юритувчи корхона ва ташкилотлар, кичик бизнес корхоналари, хусусий тадбиркорлар ва бошқа мижозларга замонавий банк хизматларини кўрсатиш учун компютер жиҳозлари, ўқув қўлланмалари, интернет тармоғи, телефон алоқаси ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида 12,5 млрд. сўм кредитлар ажратиш режалаштирилган.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
"Xabar"нинг Самарқанд
вилоятидаги мухбири

Мустақиллигимизнинг 20 Йиллигига бағишланган махсус почта маркалари туркуми



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан "Тошкент почтаменти" биносида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан чиқарилган янги почта маркаларини сўндириш маросими ўтказилди.

Президентимизнинг жорий йил 6 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг буйруғи чиқарилган. Мазкур буйруққа қўра, 29 августдан мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган махсус почта маркалари туркуми муомалага киритилди.

Почта маркалари туркуми 52 почта маркасидан иборат бўлиб, 26 купонли занжир қўринишида рангли тайёрланган. Ушбу маркаларда мустақиллик даврида қурилган замонавий архитектура бино ва иншоотлари, тарихий обидалар, саноат ва машинасозлик ривожига ҳамда иқтисод, соғлиқни сақлаш, таълим секторлари тасвирланган.

Маркалар офсет усулида босил-

ган. Перфорацияси тароқсимон. Почта маркаларининг ўлчами 42x30мм ва 30x42мм. Адади 10 000 нуска. Оралиқ купонда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги логотипи тасвирланган. Почта маркалар дизайнерлари: А.Зуев, В.Ковреин, У. Юсупалиев, В.Шлосберг.

"Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллиги"га бағишланган махсус почта маркаларини махсус сўндириш тамғаси ҳам тайёрланган. Махсус хотира тамғасининг ўртасида таралаётган қуёш нурлари фонидида Мустақиллик майдонидаги Эзгулик аркасига ўрнатилган турналар шакли тасвирланган, унинг қуйи қисмида ер шари тасвири туширилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси харитаси акс эттирилган ҳамда махсус хотира тамғасида тушириш тадбири ўтказиладиган жой ва сана кўрсатилган.

Махсус хотира тамғасида айлана бўйлаб ўзбек тилининг лотин алифбосида *ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ 20 ЙИЛ*, ЎЗБЕКISTON - TOШKENT ПОЧТАМТ 29.08.2011 сўзлари ёзилган. Махсус тамганнинг диаметри 35 мм. Дизайнер — У. Юсупалиев.

Жасур ўғлонлар қасамёди

Энг улуг, энг азиз айёмимиз — мустақиллигимизнинг қутлуг 20 йиллик байрами кунларида пойтахтимиздаги "Ватанга қасамёд" ҳайкали пойида Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факултети биринчи босқич курсантларининг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Қуролли Кучлар фахрийлари, ота-оналар иштирок этишди.

Тадбирда сўз олганлар Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа соҳасидаги юксалтириш, аҳолининг тинч ҳаёт кечиришини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ва унинг самараларини яна бир қарра эътироф этдилар.

— Ҳарбий қасамёдни "Ватанга қасамёд" ҳайкали пойида қабул қилишнинг менга катта масъулият юклайди, — дейди курсант Алишер Жалолов. — Мақсадим, муқаддас Ватан тупроғини эъзозлаш, мусавфо осмонимизнинг соф ва осудалигини таъминлашга ҳисса қўйиш.

Курсантларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилишига бағишланган бундай тантанали тадбирлар, шунингдек, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчик олий танк қўмондонлик-муҳандислик, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртиларида ҳам бўлиб ўтди.

Ҳозирда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини ахборотлаштириш мақсадида, уларни компьютер техникаси, локал ҳисоблаш ва корпоратив компьютер тармоқлари билан жиҳозлаш бўйича саъй-ҳаракатлар кўлами янада кенгайтирилиб, республикамиз бўйича компьютер техникаси билан таъминланиш даражаси тобора ўсиб бормоқда. Давлат бошқаруви органларида локал ҳисоблаш ва корпоратив компьютер тармоқларини яратиш борасида ҳам сезиларли натижаларга эришилди.



аллуклидир.

Қонун лойиҳасида кўзда тутиладиган тахририй ўзгаришлар эса телекоммуникация тармоқларини ривожланти-

Телекоммуникацияга оид қонунчиликни такомиллаштириш

Соҳа тараққиётининг муҳим омилидир

Ҳозирги кунда давлат идораларида локал ҳисоблаш тармоқларини яратиш ишлари якунига етиб қолган бўлса, корпоратив компьютер тармоқлари яратиш ишлари ҳам жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Шу ўринда, Концепцияда белгилаб берилган телекоммуникация соҳасини ривожлантиришнинг долзарб масалалари ҳақида тўхталадиган бўлсак, энг аввало, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация воситалари ҳамда интернет тизимини янада кенг жорий этиш, халқаро телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш ва халқаро коммутация марказларини захиралаш мақсадида йўлдошли алоқа тизими орқали қўшимча каналлар ташкил этиш, рақамли телевидение қамровини кенгайтириш ва рақамли телевидение фойдаланувчиларига қўшимча хизматлар кўрсатишини йўлга қўйиш лозим. Қолаверса, телекоммуникациялар тармоқларининг ишончилиги ва барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича захиралаш ҳамда автоматлаштирилган бошқарув тизимини такомиллаштириш ишларини якунига етказиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этишга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, замонавий технологияларга асосланган қурилма ва воситалар ишлаб чиқиш кўламини ошириш зарур.

Энг муҳими, ахборот-коммуникация технологиялари ва хизматларни жорий этиш мақсадида, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини инобатга олган ҳолда, тегишли қонунлар ва қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янгиларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш биринчи галдаги вазифадир.

Шу каби дастурий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда телекоммуникация соҳасини бугунги ва эртанги кун талаблари асосида тараққий эттириш, мазкур тармоққа энг замонавий, илгор технологияларини жорий этиш, хориж инвестицияларини фаол жалб қилиш, аҳолига ахборот хизматлари кўрсатишнинг сифат ва самарадорлигини ошириш, интернет хизматларини ривожлантириш йўлида тадрижий ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда.

Аёнки, ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасидаги ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, ўз навбатида, унинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва такомиллаштириб боришни тақозо этади. Шу боис мамлакатимизда мазкур соҳани тартибга солишчи самарали ҳуқуқий механизм яратиш диққат марказидаги ма-

саладир. Кейинги йилларда телекоммуникация тизимлари ва ахборот технологияларини ривожлантиришга йўналтирилган қатор қонун ҳужжатлари ва миллий дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилгани, шу асосда фаолият юритилаётгани маълум маънода соҳа равнақини таъминламоқда.

Ўтган йиллар мобайнида бу борада 11та қонун, учта Президент фармони, 40 дан ортиқ Президент ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, 300дан зиёд идоравий қонуности ҳужжатлари қабул қилингани фикримиз далилидир.

1999 йилда "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, унда телекоммуникацияларни яратиш, фаолият кўрсатиши ва ривожланиши борасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган бир қатор нормалар белгилаб қўйилди.

Таъкидлаш жоиз, сўнгги вақтларда телекоммуникация ва ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланиб бормоқда. Бу эса, мазкур тармоқдан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахсларга кенг қўламадаги хизмат турларини кўрсатишнинг янгида янги усулларини йўлга қўйишга имкон яратмоқда. Натижада телекоммуникация хизматларини кўрсатишда субъектлар ўртасида ўзаро муносабатларнинг замонавий турлари юзага келмоқда. Демак, мазкур соҳа фойдаланувчилари манфаатларининг ҳимоясини тўлиқ муҳофазалаш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш сингари масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш долзарб вазифалардан саналади.

Юртбошимиз томонидан ўтган йилнинг 12 ноябрида Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг ривожлантириш Концепциясида бу масалага алоҳида урғу берилиб, сиёсий модернизация жараёнида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш лозимлиги таъкидланди. Мазкур Концепцияда "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормаларини янада тако-

миллаштириш мақсадга мувофиқ эканлиги қайд этиб ўтилди.

Юқоридагиларга кўра, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси депутатлар, экспертлар, ҳуқуқшунос ва мутахассисларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқилди ва парламент Куйи палатасининг мажлисида муҳо-

кама қилиниб, биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Ушбу қонун лойиҳасининг асосий вазифалари республиканинг барча ҳудудларида телекоммуникация

хизматларини кўрсатиш учун етарли шарт-шароитларни яратиш, ундан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, телекоммуникация хизматлари бозорида соғлом рақобатни шакллантиришдан иборат. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация тармоқларининг ривожланишига, унинг халқаро телекоммуникация тармоқлари билан интеграциясини таъминлашга қўмаклашиш, соҳа тармоқлари орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан корхона, ташкилот, муассасалар ва фуқароларга тақдим этиладиган давлат хизматларининг сифати, фойдаланиш эркинлиги ва тезкорлигини ошириш учун зарур шароитларни яратиш бериш қонун лойиҳасининг асосий мақсадларига кирди.

Шунингдек, лойиҳада телекоммуникация соҳасида объектлар ва субъектларнинг муносабатларини тартибга солиш механизмларини янада такомиллаштириш учун "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги қонуннинг асосий тушунчаларига бир қатор аниқлаштирувчи нормалар, шу билан бирга, "Интернет жабҳа ахборот тармоғи", "домен номи" каби янги атамаларни киритиш назарда тутилмоқда. Таклиф этилаётган ўзгаришлар телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли органнинг ваколатлари аниқ-равшан белгилаб қўйилиши, интернет тармоғи миллий сегментининг домен номларини тартибга солиш, ҳисобга олиш, тизимлаштириш ва улардан фойдаланишни тартибга солишнинг назорат қилинишига ҳам та-

риш ва қайта қуриш механизмларига тегишли моддаларга дахлдордир. Шуниси аҳамиятлики, бу ўзгаришлар телекоммуникациялар соҳасини ташкил этишнинг амалдаги ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш ҳамда аҳоли, ҳўжалик юритувчи субъектлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур тармоқ хизматларига бўлган эҳтиёжларини тўлақонли қондириш имконини яратди.

Лойиҳага асосан, телекоммуникация тармоқларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, узатиладиган ахборотнинг сир сақланишини янада такомиллаштириш мақсадида "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига янги модала киритиш мўлжалланмоқда. Унда давлат сирлари ва конфиденциал ахборотни қайта ишлаш учун йўналтирилган давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг телекоммуникациялар тармоқлари мажбурий аттестациядан ўтказилиши белгиланмоқда. Шунини алоҳида эътироф этиш лозимки, мазкур аттестациядан фақат юқорида кўрсатилган ахборотларни қайта ишлаш, сақлаш ва ўтказишни амалга оширадиган ва шунга мўлжалланган ахборотлаштириш объектлари ўтказилди.

Қонун лойиҳаси амалдаги "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги қонуннинг 9 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутган бўлиб, бундан кўзланган асосий мақсад давлат ва жамият қурилиши тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ҳисобига сиёсий модернизациясини таъминлашдан иборатдир.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, давлат хизматчиларинининг бу борадаги билим ва малакаларини ошириш, уларнинг замонавий ахборот тизимлари, жумладан, интернет глобал тармоғидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, мамлакатда самарали электрон ҳўкумати яратиш мақсадида интерактив давлат хизматларини ривожлантириш ва сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистонда телекоммуникация соҳасининг замон талаблари даражасида жадал суръатларда тараққий этишига мустаҳкам ҳуқуқий замин яратди.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

Айни пайтда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг 97 фоизда веб-сайтлар яратилиб, давлат ахборот ресурсларининг сонини 171га етказилди. Натижада аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларга 49 турдаги давлат интерактив хизматлари кўрсатилмоқда.



Xalqaro
hayotБМТ ФАЛАСТИННИ
ТАН ОЛАДИМИ?

Маълумки, сентябр охирида БМТ Бош ассамблеясининг 66-йигилиши иш бошлайди. Махмуд Аббос Фаластин давлати мустақиллигини тан олишларини сўраб мазкур ташкилот ишида қатнашмоқчи. Мақсад ягона — БМТнинг тўлақонли аъзоси бўлиш. БМТ Бош котиби Пан Ги Мун Фаластин раҳбарларига улар хоҳлаган вақтда илтимоснома йўллаш ҳуқуқига эгалигини маълум қилди.

Европа Иттифоқи фаластинликларнинг БМТга киритадиган режасига эътироз билдирмаган. Бу борада Фаластинга хайрихоҳ бошқа мамлакатлар ҳам анча. "Африка иттифоқи комиссияси ва барча Африка мамлакатлари 20 сентябрда Нью-Йоркда бўладиган БМТ Бош ассамблеяси йиғилишида, АҚШ ва Исроилнинг босим ўтказишидан қатъи назар, Фаластиннинг мазкур ташкилотга аъзо бўлиши учун овоз беради, — деган Фаластин ташқи ишлар вазири Рийёд ал-Малики "Фаластин овози" радиосига берган интервьюсида".

ЯНГИ АЭСлар
ҚУРИЛМАЙДИ

Япония ўз АЭСлари сонини қисқартирартипти. Мамлакат иқтисодиёт, савдо ва ишлаб чиқариш вазири Есио Хатино маълум қилишича, янги атом электростанциялар қурилишидан воз кечиш керак. Мамлакатда ишлаб турган АЭСлар сони ҳам қисқартирилиши режада бор.

Шу орқали у ўз позицияси ҳукуматнинг янги раҳбари Есихико Нодининг март ойида "Фукусима-1" АЭСда содир бўлган жуда кучли ҳалокатдан сўнг янги атом станциялари қуришни бекор қилиш борасидаги қарашларига мос келишини тасдиқлаган.

КАДДАФИ
ТАРАФДОРЛАРИ НИГЕРДА

Қочқиндаги Ливия етакчиси Муаммар Каддафи ва мамлакат собиқ ҳукуматининг бошқа раҳбарлари Нигер пойтахтига келган.

Нигер ҳукуматининг маълум қилишича, улар бу ерга якшанба кuni келишган ва Агадес шаҳридаги сахро орқали Ниамга йўл олишган. Ливия вақтинчалик ҳукумати маълумотида кўра эса Нигер ҳудудида яна Каддафининг қуролланган катта автокавони ҳам ўтган. Улар олтин ва хориж валюталаридан иборат юкларни ҳам ташиб кетишган. Аммо Нигер ҳукумати ушбу қарвонда Каддафининг ўзи бўлмаганини тасдиқламакда.

Ливиядаги кўплаб шаҳарлар назоратини қўлдан бой берган мамлакат собиқ раҳбари сал аввалроқ умрининг охиригача ҳокимият учун курашишга ваъда берганди.

ПОКИСТОНДА ПОРТЛАШ

Покистоннинг Белужистон провинциясидаги Кветта шаҳри маҳаллий ҳукумати биноси атрофида портлаш амалига оширилган. Полиция хабарига кўра, ўндан кам бўлмаган одам қурбон бўлган. Полиция вакили портловчи қурилма камикалзе томонидан ҳаракатга келтирилган бўлиши мумкинлигини таъкидлаган.

Сўнгги вақтларда Покистонда бундай портлаш ва ҳужумлар тез-тез содир бўлмоқда. "Ал-Қоида" етакчиси Бен Ладен ўлдирилганидан сўнг жангарилар АҚШ махсус хизматига ўз етакчилари учун қасос олишларини маълум қилишган эди.

Интернет материаллари
асосида тайёрланди

Маънавий онгимизни оширайлик

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Алоқа ходимлари касаба уюшмаси ва Республика маънавий тарғиботи маркази Тошкент шаҳар Юнусобод тумани бўлими ҳамда Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича 2011 йилда ўтказилиши мўжалланган маънавий ва маърифий ишлар режаси, Давлат алоқа инспекцияси Маънавият ва маърифат кенгашининг 2011 йилга мўжалланган иш режаси, Маънавий-маърифий, мафкуравий мавзулар бўйича 2011 йилда ўтказиладиган семинарлар режа-жадвалига асосан, 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида семинар-машғулотлар ўтказилди.



Мавзуларнинг мазмун-моҳиятлари ходимларга тушунарли бўлиши учун мазкур семинарларга Тошкент Давлат юридик институти профессор, доцент ва катта ўқитувчиларидан иборат мутахассислар таклиф этилди. ДАИ раҳбарияти, бўлим бошлиқлари, муҳандис ва инспекторлар ҳамда бошқа мутахассислар ҳам иштирок этдилар.

Семинар-машғулотларни ўтказишдан олдин ходимлар учун ҳар бир мавзу бўйича адабиёт ва қўлланмалар ҳавола этилди. Уларга миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий бурчакда мавжуд бўлган адабиёт ва қўлланмалар бўйича маълумотлар берилди.

Машғулотлар давомида ходимларга "Кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик йили Давлат дастурининг мазмун-моҳияти", "Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш", "Диний экстремизм ва миссионерлик ҳаракатларига қарши кураш", "Хоразм Маъмур академияси — миллий маънавиятимиз гултожи", "Ўзбекистон ва жаҳон: Йигирма йиллик довлар оша" мавзуларида мавзулар тингладилар ҳамда Ўзбекистон Президентини асарларида миллий ғоя, мафкура ва маънавият масалалари ҳақида тушунчаларини оширдилар.

Семинар давомида "Суиқасд" номли махсус филм намойиш этилди. Филм орқали ходимларга соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ўз соғлиқларига эҳтиёткор муносабатда бўлиш, соғлом оилани қарор топтириш

ҳақида тушунчалар етказилди. Филм ҳаётий мисоллар ва маълумотларга бойлиги, таъсирчанлиги билан йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Олдимизда турган энг муҳим вазифа — ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бутунли кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган, етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат.

Р.ИРМАТОВ,
махсус ишлар бўлими
1-тоифали муҳандиси

Қадримиз баланд

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури"ни ҳаёта таъбиқ этиш ҳамда истиқлолимизнинг 20 йиллик тўйини муносиб қутиб олиш мақсадида "Ўзбектелеком" АК "Бош коммутиация маркази" филиалида кўпгина хайрли тадбирлар ўтказилди. 2011 йил 17 август кuni бир гуруҳ нуруний фахрийлар ва ходимларимиз шахримизнинг тарихий ёдгорликларини ва Тошкент вилоятидаги Зангиота мажмуасини зиёрат қилдилар.

Меҳр-мурувват, ходимларимизнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, корхонада ишлаб вафот этган 18 ёшга тўлмаган фарзандлари бор иккита оилага, қарамоғида тўрт ва ўндан ортиқ 16 ёшга тўлмаган фарзанди бор бир нафар ҳолимга, қарамоғида ногирон фарзандлари бор уч нафар ходимга моддий ёрдам берилди.

29 август кuni мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрамига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда филиалимиз раҳбари А.Ғазиев ходимларни Мустақиллик кuni ва Рамазон ҳайити билан қизгин табрикларда ҳамда соҳда самарали меҳнат қилаётган бир гуруҳ алоқачиларга фахрий ёрлиқлар ва пул мукофотлари топширди. Шунингдек, тадбир сўнггида фахрийлар кенгаши раиси У.Сағатов раислик вазифасини



кенгаш аъзоси Бахтиёр Азимовга тантанали топширди.

— Ўтган ҳаётидан, олиб борган ишлари-ю муваффақиятларидан мамнун ҳолда пенсияга чиқиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди, — дейди Умид Сағатов. — Мен салкам ярим аср сеvimли соҳада ишлаб, республикамиз алоқа соҳасини ривожланишига баҳолиқудрат ҳисса қўшганимдан бахтиёрман. Қолаверса, қадрдон жамоам томонидан менга кўрсатилган иззат-икром, нафақага катта тантана билан кузатишлари кўнглимни тоғ каби кўтариб юборди. Яна бир нарсга мени мамнун этадики, бу ерда инсон омилига эътибор юқори, ходимларнинг қадри баланд. Ҳар бир фахрий раҳбариятнинг, касаба уюшмаси қўмитасининг доимий ардоғида.

Махмуда АРИПОВА,
"Бош коммутиация маркази" филиали ходими

Дунё карвонлари интилган макон

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Коллеж ва лицейлар, мактаб ва мусиқа мактаблари, Ёшлар маркази, Бахт уйи, маъмурий бинолар қад ростлаб, юртимиз чиройига чирой қўшди. Навоий эркин-индустриал иқтисодий ҳудудида энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида чет эллик ҳамкорлар билан ташкил этилган янги қўшма корхоналар юртимиз равнақиға хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Дастлаб эркин ҳудудда Молиявий хизматлар марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Уч қаватли мазкур замонавий ва маҳобатли бинода Миллий банк ва Корея тараққиёт банки миждозларга хизмат кўрсата бошлади. 37та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, ушбу бинода сугурта компанияси, тадбиркорлар палатаси ҳам фаолият юритмоқда. Молиявий хизматлар марказида жисмоний шахсларга ҳам хизмат кўрсатиш кўзда тутилган.

Маълумки, Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонада бундан икки йил аввал ташкил этилган қалдирғоч корхоналардан бири — "TELECOM INNOVATIONS"

қўшма корхонаси Ўзбекистон ва Сингапур давлатлари ҳамкорлигида тузилган бўлиб, рақамли телевидение сигналларини қабул қиладиган курилмалар ишлаб чиқариш йўлида меҳнат қилаётган эди. Ушбу қўшма корхонада ҳам "Янги технологик линия"ни ишга туширилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Мазкур лойиҳа Юртбошимиз томонидан "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси олдига қўйилган телекоммуникация кенг полосали тармоқлари сонини икки баробарга ошириш вазифасини амалга оширишга киришилганидан далolat беради. Зеро, интернетдан кенг полосали фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун алоқа бўлимларини ADSL ускуналар билан жиҳозлаш ниятда зарур эди. Бу эса валюта маблағларини тежашга ҳамда маҳсулот нархини пасайтиришга имкон бериши табиий. Шу боисдан ҳам Хитой Халқ Республикасининг ZTE корпорацияси билан бирга телекоммуникация воситаларини, яъни DSLAM ва ADSL модемларини ишлаб чиқарувчи янги технологик линиянинг очилиш маросими ҳам ҳақиқий тантананага айланди.

Тадбирда Навоий вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов, Хитой давлат тараққиёт банки "CDB"нинг Ўзбекистондаги раҳбари жа-

ноб Ян Хай Бин, ZTE корпорациясининг ҳамдўстлик давлатлари бўйича раҳбари Цзен Ли ҳамда мазкур корпорациясининг Ўзбекистондаги раҳбари Юй Хон Кайлар иштирок этиб, янги ҳамкорликни қўллаб-қувватладилар ва барчани байрам билан қутладилар.

Қўшалоқ байрамда қўшалоқ корхоналар фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон-Сингапур "CFM Прознержис" қўшма корхонаси Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлигининг "Ўзпромашимпекс" давлат акциядорлик компанияси ва Сингапурнинг "CFM-Холдинг" компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган бўлиб, корхона Сингапурдан келтирилган замонавий ишлаб чиқариш технологиялари билан жиҳозланди. Мазкур қўшма корхонада 10дан зиёд турдаги энергияни тежовчи диодли чироқлар ишлаб чиқарилади. Корхонада ишлаб чиқариладиган лампалардан асосан йўл ва кўча ёриткичлари, турли диодли экранларда, завод ва фабрикаларда, ҳуллас, халқ хўжалигининг барча соҳаларида фойдаланиш мумкин. Юқори сифатли, кўзга зарарсиз, экологик тоза ҳамда узоқ муддатга яроқлилиги билан ажралиб турувчи лампаларни ишлаб чиқараётган мазкур корхона нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда биринчи корхона эканлиги билан алоҳида диққатга сазовордир. Энг муҳими, бу диодли чироқлар 60 вт. ўрнига 7-9 вт. сарфлаб сифатли ёритиш имкониятларини беради.

— Бугунги кунда корхонада, — дейди ишлар бошқарувчиси Шарофидин Раҳматов, — 20дан ортқ янги иш ўринлари



яратилиб, асосан касб-хунар коллежларини тугатган ёшлар иш билан таъминланди. Корхона тўла қувват билан ишга тушса 152 киши иш билан таъминланиши кўзда тутилган.

Истиқлолимизнинг 20 йиллик тўйи арафасида фойдаланишга топширилган "Узкор Лайтинг" Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси ҳам электр энергиясини тежайдиган лампалар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, корхонанинг йиллик қуввати 6 миллион дона лампа тайёрлашга етади. Айни пайтда корхонада 30та янги иш ўринлари яратилган бўлиб, бу ерда ҳам асосан ёшлардан иборат жамоани кўриш мумкин.

Фикримизнинг исботи сифатида Кармана саноат ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи битирувчилари Хуршид Насимов, Нодира Музаффарова, Фотима Ризоқуллова, Уғилой Жўраева, Дилфуза Остоноваларнинг ўз ишларидан, ўз жамоаларидан, ўз иш шароитларидан мамнун бўлиб меҳнат қилаётганларини, истиқлол шарофатидан миннатдор ёшлар тилидаги, дилидаги, кўзидаги, сўзидаги шукроналик исботлаб турибди.

Худди шу кун "Навоий Хунан пулп" Ўзбекистон-

Хитой қўшма корхонасида ҳам тантанали очилиш маросими бўлди. Тадбирда асосан болалар подгузники ва аёллар гигиеник маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ушбу корхона Ўзбекистондаги биринчи корхоналардан бири эканлиги алоҳида таъкилданди. Чет элдан келтирилган замонавий технологиялар иштирокида ўзбек йигит-қизлари томонидан амалга оширилаётган ишлаб чиқариш жараёни кишининг ҳавасини келтиради.

Тадбир иштирокчилари фойдаланишга топширилган қўшма корхоналарда нафақат ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, балки кенг қўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилганлигининг гувоҳи бўлдилар. Дунё карвонлари интилган бу макон, Маликчўл саҳросининг қоқ ўртасида чаманзорга айланган ушбу маскан — Навоий эркин-индустриал иқтисодий ҳудуд қадимий Буюк ипак йўли карвонларини асрлар оша замонавий аэроларда бутун дунё бўйлаб етказишига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

Маруся ҲОСИЛОВА,
"Xabar"нинг Навоий вилоятидаги мухбири



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллиги муносабати билан Қарши шаҳрида "Ўзбектелеком" АКнинг байрам совғаси — "Ягона ойна" тамойили бўйича янги савдо масканининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда вилоят ва Қарши шаҳар ҳокимлигининг масъул ходимлари, алоқа корхоналарининг раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари, меҳнат фахрийлари, талаба ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Маросимни "ЎЗИ-Қарши" филиали директори Холмирза Қурбонов кириш сўзи билан очиб,

Қаршида "Ягона ойна" маркази

"Ягона ойна" марказини ташкиллаштиришдаги мақсад, унинг фаолияти, "Ўзбектелеком" АК томонидан улғуржи секторда кўрсатиладиган барча хизматлар мажмуасини бир жойдан бир оператор орқали кўрсатилишини йўлга қўйилиши, мазкур фаолият мавжуд ва потенциал миждозларга хизматлар кўрсатилишида қўшимча қулайликлар яратиши билан аҳамиятли эканлигини эътироф этди.

Шунингдек, маросимда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Бахтиёр

Жабборов, ТАТУ Қарши филиали директори Одилбек Турғунов, Қарши шаҳар ҳокими ўринбосари Гофир Пулатов, "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали директори Жуманазар Бозоров, "ЎЗИ" қўшма корхонасининг техник директори Мансур Алиев ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Тадбир иштирокчилари марказда миждозлар учун яратилган шароитлар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан танишиб, республикаимиз вилоятлари, унинг шаҳар ва туманларида ҳам шундай марказларнинг очили-

шига бағишланган тадбирларни видеоконференция орқали томоша қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Ҳ.Муҳитдинов видеоконференция орқали шу каби янги масканларнинг очилиши муносабати билан байрам табриқларини йўллаб, жойлардаги янги масканлар билан жонли мулоқот ўтказди.

Миждозлар ушбу савдо масканида маслаҳатлар, зарур ахборотлар олишлари, шартнома тузилиши ва тўловларни амалга оширишлари мумкин.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

В настоящее время, вследствие государственных реформ, появляются и активно используются новые методы эффективного управления государством в социальной, политической и экономических сферах. Эффективность новых методов управления в значительной степени зависит от качества системы государственного управления и от способности государственных служащих рационально выполнять свои функции в изменившихся условиях.

СОДЕЙСТВИЕ В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ РАБОТЫ

В Узбекистане повышение квалификации государственных служащих можно также рассматривать в контексте процесса децентрализации, когда десять лет назад правительство начало активно делегировать функции центральных органов власти местным органам государственного управления. Это, в свою очередь, требует от сотрудников местных органов государственной власти адаптации к меняющимся обстоятельствам и постоянного улучшения своих профессиональных знаний и навыков, которые им нужны в успешном выполнении своих новых задач и обязанностей.

Исследование по изучению потенциала, проведенное в конце 2010 года проектом ПРООН "Поддержка системы местного управления: гражданское участие и партнерство" (проект ПРООН) в пилотных регионах — Джизакской и Наманганской областях, выявило дисбаланс между достаточно высоким уровнем образования и относительно низким уровнем технических навыков сотрудников хокимиятов в области использования и применения информационных технологий. Соответственно, потребности в обучении значительно превышают возможности органов государственной власти на местах были связаны, в частности, с совершенствованием их навыков по применению необходимых программ и приложений, а также интернет-технологий в повседневной работе.

Команда проекта ПРООН в тесном сотрудничестве с хокимиятами Джизакской и Наманганской областей, инициировала проведение серии профессиональных семинаров-тренингов для представителей местных органов власти по таким темам, как использование современных информационных и коммуникационных техно-



логий (ИКТ) в государственном управлении, связь с общественностью, менеджмент, стратегическое планирование, организационное развитие, управление кадрами и т.д.

В частности, 23-го августа 2011 года был начат первый двухдневный тренинг на тему "Использование базовых навыков современных информационных технологий в государственном управлении" для сотрудников хокимиятов Джизакской области. В программу тренинга включены такие дисциплины как: основные тенденции развития в секторе ИКТ Республики Узбекистан, правовая база применения ИКТ в области государственного управления, повышение технических навыков по использованию офисных программ, локальных сетей и других видов электронных сетей для обмена информацией, управление электронной почтой в повседневной работе и использование единых систематизированных электронных баз данных Республики Узбекистан (www.lex.uz, и пр.) и других электронных интернет-ресурсов.

Следует отметить, что учебный модуль специально был разработан на основе ре-

зультатов вышеупомянутого изучения потенциала и охватил на первом этапе около 25 сотрудников из числа среднего и нижнего звеньев служащих областного, городского и районных хокимиятов Джизакской области, поскольку обычно эта категория государственных служащих редко принимает участие в существующих программах по повышению квалификации.

В дальнейшем запланировано проведение тренингов по этой и многим другим тематикам для сотрудников хокимиятов Наманганской области.

Специалисты проекта ПРООН уверены, что подобные тренинги позволят государственным служащим хокимиятов Джизакской и Наманганской областей приобрести знания и совершенствовать навыки, необходимые им для выполнения своей работы оперативно и качественно, принимать на себя новые обязанности и быстро адаптироваться к меняющимся условиям.

Саидбек ДЖУРАБЕКОВ,
специалист по связям
с общественностью
проекта ПРООН.

ЗАЧЕМ ПОКУПАЮТ САМЫЕ ДОРОГИЕ ДОМЕНЫ?

Только 30 из ТОП-100 самых дорогих доменов, проданных в 2006 году, используются по назначению, 9 не делегированы, а большая половина используется в рекламных целях, подсчитали специалисты Daily Domainer News.

Домен Diamond.com, купленный за \$7,5 млн. адресует на сайт, посвященный украшениям. Домен Vodka.com, купленный в декабре 2006 года за \$3 млн. владельцем "Русского стандарта", сейчас перенаправляет пользователей на другой домен — russianstandard.com. Проданный за \$1,5 млн. домен Cameras.com служит для отображения платных ссылок на ресурсы, посвященные фотоаппаратам.

Руководитель отдела по связям с общественностью компании RU-CENTER Андрей Воробьев считает, что зачастую вложение в самые дорогие домены инвесторы делают с целью в дальнейшем перепродать их еще дороже и использовать их в качестве уникального адреса своего интернет-ресурса они не собираются.

За всю историю существования вторичного рынка доменов было зафиксировано всего несколько десятков миллионов продаж. Одним из первых доменов, проданных за баснословные деньги, стал в 1999 году домен Business.com. Тогда сумма сделки достигла рекордных \$7,5 млн.

Коротко...

✦ Производитель жестких дисков Seagate Technology анонсировал внешний жесткий диск, емкостью 4 терабайта. В заявлении компании говорится, что диск GoFlex Desk предлагает самую высокую плотность хранения в пересчете на пластины, а также позволяет хранить до 2000 фильмов в формате HD.

Размер диска составляет 158x124x44 мм, вес 1,08 кг, что делает его достаточно портативным. Подключаться новинка к компьютеру может через порты USB 2.0 или 3.0, либо через FireWire 800.

✦ Ведущий китайский поисковик Baidu выпустил собственную платформу мобильных приложений на базе гугловского Android — Baidu Yi, пишет Netindia123.

Baidu Yi позволит сторонним разработчикам создавать свои приложения (игры, карты и т.д.) и выкладывать их в онлайн-магазине Yi Store, по аналогии с App Store и Android Market. В будущем Baidu Yi появится и на мобильных телефонах.

✦ Adobe Systems анонсировала новое программное обеспечение Carousel, предназначенное для редактирования фотографий и обмена графическими файлами на настольных ПК, смартфонах и планшетных компьютерах. Приложение располагается в вычислительном облаке Adobe, но может работать через приложения, которые пока существуют только в версиях для Mac, iPad и iPhone/iPod Touch.

Поскольку приложение является полностью облачным, доступ к нему возможен с любого компьютера, если он относится к поддерживаемым платформам.

✦ Как заявил председатель совета директоров компании Google Эрик Шмидт в своем интервью Businessinsider, компания Google приобретает Motorola отнюдь не только ради патентов. Google интересуется железом, интересуют инженеры, некогда подарившие миру такой суперпродукт, как RAZR. Компания намерена использовать бренд Motorola.

Из этого напрашивается вывод, что Google планирует заниматься выпуском мобильных устройств. И что-то из этого выйдет?

✦ Корпорации Google удалось получить домен google.ua, до недавнего времени принадлежавший украинской фирме "GOOGLE". Набрав в браузере google.ua, посетители попадали на портал для одиноких сердец.

✦ Кенийская комиссия по связи приказала мобильным операторам отключать тех абонентов, чьи телефоны являются контрафактными. Это распоряжение затронет почти четыре миллиона пользователей — каждого пятого из 22 миллионов, официально зарегистрированных в мобильных компаниях.

Правда, решение вызвало критику и организаций, занимающихся правами покупателей, и сотовых операторов, поскольку по большому счету наказывают ни в чем не повинных людей (ведь не каждый может отличить подделку от оригинала).

Хабар +tv

ЎЗБЕКИСТОН

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Иқлим".
07.10 "Олам ва олам" дастури: "Табият музикалари".
07.25 "Сўнги қиролча". Т/с.
08.00 "Тўқтинчи".
08.45 "09.45 "Мамлакат" дастури.
09.45 "Секри қалам". М/с.
10.00 "Теле-театр: "Наҳот истаб".
10.45 "Саломатлик сирлари".
11.00 "Ахборот".
11.15 "Комиссар Рекс". Т/с.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.50 "Қўнғил қўнғил истаёйди".
13.00 Миллий сериал: "Умр манзаралари".
"Болалар сайёраси".
13.35 "Қўнғил қўнғилнинг ҳикоялари". М/с.
14.00 "Ахборот".
14.20 "Ватанпарвар".
15.00 "Иқлим".
15.05 "Олам ва олам" дастури: "Тирик сайёра".
15.55 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
16.40 "Ўзбекистон табиати".
17.00 "Ахборот".
17.15 "Сўнги қиролча". Т/с.
17.50 "Иқлим".
18.00 "Қўнғил қўнғил истаёйди".
"Болалар сайёраси".
18.05 "Эртаслар - қашқадарога етдилар".
18.25 "Мен ёшловман".
18.40 "Иқлим".
18.45 Миллий сериал: "Умр манзаралари".
19.20 ТВ - шифокор.
21.25 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот". рус/.
20.10 "Олтин меҳро".
20.20 "Хаёт қўнғил". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.45 "Сарқисо".
22.20 "Нон исси". Т/с.
22.50 "Иқлим".
22.55 "Тонтиги газети". Т/с.
23.55 "Олам ва олам" дастури: "Табият музикалари".
23.50 "23.55 "Ойун".
23.55 Кўрсатувлар дастури.
00.00 Қўнғил қўнғил дастури: "Чашмалар".
00.20 "Теле-театр: "Наҳот истаб".
00.55 "Қўнғил қўнғил истаёйди".
01.00 "Ахборот". рус/.
01.35 "02.35 "Мамлакат" дастури.
01.55 "Сарқисо".
03.00 "Олтин меҳро".
03.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
04.00 "Ахборот".
04.45 Миллий сериал: "Умр манзаралари".
05.20 "Иқлим".
05.25 "Ўзбекистон табиати".
05.45 - 05.55 "Ойун".



06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Мултипликация".
07.20 "До-ми-сол".
07.40 "Ёшлар наволари".
08.00 "Қайғиб чечити". Т/с.
08.30 "Афсона ва ҳақиқат".
09.50 "ЎзЕХ".
10.00 "Давр ҳафта илоҳи".
10.30 "Осиё". Т/с.
11.20 "Муҳаббатнинг дунё".
12.10 "Қаҳрамон". Т/с.
13.00 "Давр".
13.10 "Ёшлар наволари".
13.30 "Доктор Қўнғил". Т/с.
14.20 "Қамолот-нифо".
14.40 "Тенгдонниҳан, Истиқлол".
14.50 "Сўнги қиролча".
15.10 Миллий сериал: "Хаёт жўлларини".
15.50 "ЎзЕХ".
16.00 "Давр".
16.10 "Қайғиб чечити". Т/с.
17.00 "Болалар табиосуи".
17.10 "Мултипликация".
17.30 "Намста, Ўйроғ". Б/ф.
18.30 "Давр манзури".

ДУШАНБА — 12 СЕНТАБР

ЎЗБЕКИСТОН

18.50 "ЎзЕХ".
19.00 "Давр".
19.20 "Осиё". Т/с.
20.20 "Ёшлар наволари".
20.40 "13-студия".
21.10 "Қаҳрамон". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Доктор Қўнғил". Т/с.
23.20 "Шарқ галерея".
00.00 "Ватан меҳри".
00.10 "Ёшлар наволари".
00.30 "Хаёт-манот". Т/с.
02.00-06.00 Профилактока.
06.00 Кўрсатувлар тартиби.
06.05 "Истиқлол".
06.30 Миллий сериал: "Умр манзаралари". 11 - қисм.
07.00 "Ёш оғилар мактаби".
07.15 "Ҳаёт буюми".
07.25 "Салом, Тошкент".
08.25 Тошкент тароналари.
08.45 "Аёл қайди". Т/с. 30 - қисм.
09.10 "Интервью".
09.20 "Интеллектуал аукцион".
09.30 "Полигайт".
09.40 "Камор оркестривинг концерти".
09.55 "Қадр ортиси".
10.10 "Нобит".
10.30 "Полигайт". рус/.
10.45 "Сизга мактуб". Б/ф.
12.45 "Моҳит".
13.00 "Салом, Тошкент".
14.00 "Дуно" теледастури.
15.00 "Полигайт".
15.15 "Аёл қайди". Т/с. 31 - қисм.
15.40 "Миттвийлар ойнаси".
16.00 Тошкент тароналари.
16.20 "Бизнес-полюс".
16.25 "Музыкал даш-2". М/ф. 1-қисм.
17.10 "Эвлия".
17.25 "Қасбим даҳри".
17.40 "Саломат бўлинг!".
18.00 "Полигайт".
18.25 "Эко-полигайт".
18.35 "Дурадон".
18.50 "Интеллектуал аукцион".
19.00 Миллий сериал: "Умр манзаралари". 12 - қисм.
19.30 Тошкент тароналари.
19.50 "Телекурор-маркет".
20.00 "Полигайт".
20.25 "Учаларим".
20.30 "Шаҳзодаининг қўнғил". Т/с.
21.00 Тошкент тароналари.
21.20 "Телекурор-маркет".
21.30 "Полигайт". рус/.
21.55 "Интервью".
22.05 "Қиём SMS со звёздами".
22.10 "Писема к Дарулметте". Х/ф.
22.30 "Эко-полигайт". рус/.
00.00 Кўрсатувлар тартиби.
00.05 "60 кг элито". Х/ф.
01.45 "Учаларим".
01.50 "Тирик сайёра: Оқ айландар". Х/ф.
02.40 "Полигайт йўлларини".
02.55 "Сизга мактуб". Б/ф.
05.00-06.00 "Салом, Тошкент".

SPORT

6.00 "Хайри тоғи".
6.10 "Саломат бўлинг".
6.30 "Спорт - менинг ҳаётим".
6.55 "Жасур байлар".
7.25 Боллар майдончаси:
"Тонтиги пилмачеси".
"Спортландия". Мултифилм.
Бугунги кунда Япониянинг Fujitsu компанияси томонидан ишлаб чиқилган "K Computer" номи суперкомпьютер дунёдаги энг кучли электрон ҳисоблаш машинаси деб топилди. Шундай қилиб, жаҳондаги Топ-500 суперкомпьютерлар рейтингига биринчи ўрин соҳиби ўзгарди. 2010 йил ноябр ойидан бери ушбу рейтингни Хитойнинг Миллий мудофаа технологиялари институтига ўрнатилган "Tianhe-1A" суперкомпьютери бошқариб келаётган эди. Бу ҳақда CNET интернет-нашри хабар беради.

Ўтказилган синов натижаларига кўра, "K Computer" суперкомпьютерининг унумдорлиги сониясига 8,16 петафлопни (1 петафлоп — сониясига сузиб юрувчи нуқта билан 1 000 000 000 000 000 амалиёт) ташкил қилди. Бу миллионга оддий шахсий компьютер қувватларининг йигиндиси тенг. Хитой суперкомпьютери эса бу борада 2,6 петафлоп натижани кўрсатди.

Дунёдаги энг кучли суперкомпьютерлар бешлигига Американинг Jaguar компьютер тизими (1,75 петафлоп), Хитойнинг Небула (1,27 петафлоп) ва Япониянинг Тсубаме 2.0 (1,19 пе-



тафлоп) суперкомпьютерлари ҳам кирган.

Топ-500 суперкомпьютерлар рейтингига энг кўп АҚШда ўрнатилган электрон ҳисоблаш машиналари жой олган (256та). Иккинчи ўринда — Хитой (62та), учинчи ўринда — Германия (30та), тўртинчи ўринда — Буюк Британия (27та), бешинчида эса Япония (26та).

Эслатиб ўтиш керакки, Топ-500 суперкомпьютерлар рейтингига йилда икки марта — ноябр ва июн ойларида янгиланади. Рўйхатнинг энг юқори поғонасини яқинда эгаллаган "K Computer" Япониянинг Кобе шаҳридаги Физика-кимё тадқиқотлари институти биносига ўрнатилган. Ушбу компьютер тизими ҳар бирида 8 тадан ядро бўлган 80 минг дона процессордан иборат. Уни Япониянинг Fujitsu компанияси ишлаб чиққан.

"K Computer"

суперкомпьютери

Fujitsu компаниясининг матбуот-релизига ёзишча "K Computer" суперкомпьютери 2012 йилдан бошлаб иқлим ўзгаришидаги zilзилаларни

моделлаштиришда ҳамда метеорология ва ядро энергетикаси соҳаларида ишлатилади.

Юқорида келтирилган маълумотлар бугунги кунга хослигини таъкиллаб ўтишимиз керак. Зеро, ахборот технологиялари кун сайин шиддат билан ривожланиб бормоқда.

Келажақда Американинг Окриж Миллий физика лабораториясига энг қудратли суперкомпьютер ўрнатилиши кутилмоқда. Бу борада Cray компанияси билан 20 петафлоп/сония кўрсаткичи, яъни айни пайтда жаҳонда энг етакчи ҳисобланган Tianhe-1Адан саккиз маротаба тезкор суперкомпьютер яратиш борасида шартнома тузилган. Янги компьютерга Титан номи берилган бўлиб, уни ўрнатишга 2012 йилдан киришилади.

Лойиҳа қиймати маълум қилинмаган, бироқ айрим мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 100 миллион доллардан кам бўлмайди.

Янги ихтиро қилинган суперкомпьютерлар келаётган об-ҳавони олдиндан башорат қилиш имкониятини яратишда, табиий офатларнинг олдини олишда ва бошқа масалаларда жуда муҳим ҳисобланади. Лекин бундай суперкомпьютерлар жуда катта маблағ, малака ва вақт талаб этгани учун уларни ишлаб чиқариш ва фойдаланишда ҳар қандай ташкилотнинг ҳам имконияти етмайди. Ундан инсонлар эзгу мақсадларни амалга оширишда самарали фойдаланиши ҳаётимиз фаровонлиги йўлидаги дадил қаламлардан бири бўлиб хизмат қилиши тайин. Чунки, суперкомпьютерларнинг ишлаш тезлиги ва ҳажми ўта юқоридир.

У.ИСКАНДАРОВ,
ТАТУ Фарғона филиали
катта ўқитувчи,
З.ЎКТАМОВ,
талаба

"Ёш дастурчи-Бухоро" масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлаганига бор-йўғи бир йил тўлган бўлса-да, ўтган қисқа вақт ичида талаба ёшлар ва турли касб эгалари иштирокида, жумладан, компьютер саводхонлиги бўйича курс машғулотларини ўтказиб, бир қатор натижаларга эришди. Бундай машғулотлар асосан 1,5 ойга мўлжалланган бўлиб, ҳозиргача уларда 60 нафардан ортиқ тингловчи иштирок этди.

Маъмур курс машғулотларида фаол иштирок этиб, бугунги кунда муайян натижаларга эришган ёшлар орасида Бухоро Давлат университети физика-математика факултети талабалари кўпчилигини ташкил этади. 10та замонавий компьютер, 15та ноутбук тингловчилар ихтиёрида. Компьютер силрларини билиб олишга қизиққанлар тегишли амалий кўникмаларга эга бўлишяпти. Интернет материаллари орқали мамлакатимиз ва дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан хабар топишмоқда.

Магистр Лазиз Ҳайдаров Бухоро Давлат университетини иқтисод йўналиши бўйича битирган. Бошқа талабалардан — Элшод Ҳожиев, Дилноза Нурова, Машҳура Шукуроева, шунингдек, Бухородаги тиббиёт муассасаридаги ҳамширалардан Зайнура Валиева, Дилноза Солиева ва бошқалар ўз қизиқишлари тўғрисида қисқа вақт ичида етарли билим, малака ва салоҳиятга эга бўлишди. "Ёш дастурчи-Бухоро" МЧЖнинг ўтган давр ичидаги фаолияти билан танишган киши "Автоматлаштирилган ихро назорати"

Ҳамкорлик самараси

дастурий таъминоти бўйича бир қатор ишлар бажарилганлигига ҳам амин бўлади. Дастурий таъминотнинг шу кунгача вилоятдаги 17та алоқа ташкилотларига ҳамда 88та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларга ўрнатилганлиги, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси веб-саҳифасининг янги-ланганлигини ҳам шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, Бухоро Давлат университети билан "Материаллар ҳисоби" ва "Иш ҳақи" дастурий таъминотларини яратиш учун шартнома имзоланганлиги, вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, Бухоро энгил саноат ва педагогика, Шофиркон қурилиш ва сервис, Олот қишлоқ ҳўжалиги касб-ҳунар коллежларининг замон талаблари даражасида веб-саҳифалари яратилганлиги эътиборга сазовор. Бир қатор ташкилотлар, жумладан, Бухоро шаҳар болалар стоматология поликлиникасига техника хизмат кўрсатилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

"Ёш дастурчи-Бухоро" МЧЖнинг фаолиятидаги яна бир муҳим жиҳат — C# дастурлаш тили бўйича ўқув курслари машғулотларининг ташкил этилганлигидир. Ҳозиргача бу курс машғулотларини беш нафар тингловчи битирди. Ушбу курсда ўқш асосан икки ойлик бўлиб, тингловчилар бу ерда ҳам ўз амалий ва назарий билимларини мустаҳкамлаш имконига эгадирлар.

БухДУнинг физика-математика факултетида амалий математика ва ахборот технологиялари бўйича магистратурани битириб, эндиликда ахборот хавфсизлиги йўналиши бўйича илмий иш устида из-

ланаётган ёш, иқтидорли мутахассис Мансур Куртов бир вақтнинг ўзида "Ёш дастурчи-Бухоро" МЧЖнинг бевосита раҳбари сифатида ҳам доимий изланишда. Ёшларни ва тегишли ходимларни МЧЖ билан бирга ҳамжиҳатликда ишлашга ундаб келмоқда.

— "Ахборот хавфсизлигини таъминлашда криптография методларини қўллаш" мавзусидаги илмий ишни ҳар тарафлама мукамал тайёрлашда илмий раҳбарим — ТАТУ профессори, техника фанлари доктори Ш.Назировнинг хизматлари беқиёсдир, — дейди М.Куртов. — Устозим бераётган йўл-йўриқ ва сабоқлар илмий ишимни ўз вақтида ва муваффақиятли ёқлашда катта аҳамиятга эга бўлади, албатта.

Дарҳақиқат, устозлар ва шоғирдлар ҳамкорлиги янгича мазмун-моҳият касб этиб, назария билан амалиёт уйғунлашуви натижаси ва самараси ўлароқ ўз кутилган мевасини берапти. "Ёш дастурчи-Бухоро" МЧЖ билан Бухоро Давлат университети физика-математика факултетининг "Амалий математика ва ахборот технологиялари" кафедраси ўртасидаги (кафедра мудири И.Расулов, техника фанлари номзоди) эъзоз ҳамкорлик иқтидорли йигит-қизларни кашф этишда, уларнинг ҳозирда ва келажақда ўзлари танлаган соҳаларида қўзланган натижа, ютуқ ва марраларни таъминлашда устувор ва ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланиши аҳ-ўзидан аён.

Асқар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

Файзобод фарзанди



Абдижаббор ака билан суҳбат курган киши асло зерикмайди. Аксинча, олтинга тенг вақти яхшиликка сарфланганидан суюнади. Негаки, дилдан сўзлайди. Айтаётганларим даврадошларга нафи тегиб, эзгуликка ундай олса, бу менинг катта ютуғим, деб ўйлайди.

Дарвоқе, мамлакат алоқа соҳаси фахрийларидан бири Абдижаббор Авазов бугун кулуг етмиш ёш остана-сида турибди.

Иккинчи жаҳон уруши давом этаётган қийин бир паллада файзободлик Авазовлар хонадонида фарзанд дунёга келди. Қорабой ака гўдакка яхши ният билан Абдижаббор деб исм қўйди. У бешик тебратган она-си алласидан ором олиб вояга етди. Отасининг кун буйи ишлаб топган бир тугун бугдойи рўзгор тебратишга зўрга етарди. Ёш Абдижаббор қўл тегирмон — ёрғинчоқда донни унга айлантирган ва қўп ўтмай дастурхонга қозонпатир қўйган меҳрибонига раҳим келарди.

Ойнинг ўн беши ёруғ, деганлари рост экан. Орда қолган қоронғи кунларнинг вақтинчилиги билинди. Оламга чиққан офтоб тафти тинч, оёйишга дамларга ўзгача ҳарорат бера бошлади. Қийинчилик қўриб катта бўлган Абдижаббор меҳнат билан бахт топишга астойдил чоғланди. Мустақил ҳаёт йўлида тоғаси Бўрибой Тўраевга эргашди.

— Касбнинг катта-кичиги бўлмайди, жиян, — деди у кўнларнинг бирига. — Ҳамма гап уни эгалаб, элга манзур қилишди. Олайлик мен олий монёвлик орқасидан олга бокиман. Ўзимга яраша ҳурматим бор. Ҳўп десанг, ўқиб учун шаҳарга боришга шовишма, ёнимда юриб иш ўрганим!

Тоғанинг таклифи Абдижабборга ёқди. Мактабни биргаликда битирган дўстлари олий даргоҳларга ошиққанида, у Бўрибой акага шогирд тушди. Ўшанда Файзобод қишлоғидаги хонадонлар тўла радиолаштирилган эди. Уларнинг мунтазам ишлаб туришини назорат қилиш устоз ва шогирд зиммасига юкланган. Абдижаббор ишонччи оқлаш жараёнида тоғаси касбига сидқидилдан илос қўйиб қолди. Гал-

даги йилда Тошкент алоқа политехникуми талабаси бўлди. Уни битиргач яна Файзободга, тоғаси ёнига қайтди. Энди у қишлоқни телефонлаштириш ва радиолаштириш бўйича анча бил-им ва малакага эга эди.

Ҳарбий хизматни ўташ даври аскар Абдижаббор Авазов учун касб маҳоратини янада ошириш имкониятини берди. Соҳаси бўйича хизмат қилган мутахассис қадрон жамоасига қайтган, дарҳол назарга тушди. Уни Сурхондарё вилояти алоқа ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Валентин Исаев Сарисийё почта алоқаси боғла-масага раҳбар этиб тайинлади.

Ҳарбий хизмат даври Абдижаббор Авазовни ҳар томонлама чи-никтирган эди. Шунинг учун бил-дирилган ишонччи оқлашга астой-дил киришиб кетди. Валентин Пет-рович айтган камчиликларни тез-роқ бартараф этишга асосий эли-борни қарасди. Бу борада тажриба-ли кишилар билан маслаҳатлашиб ишлаш катта фойда берди. Тез ора-да Сарисийё почта алоқаси боғла-маси фаолиятига ўнгиланиш кўзга ташланди. Кейинчалик ташаббус-кор ва изланувчан раҳбарга яна бир ишонч билдирилди. Энди Абдижаб-бор Авазов Денов почта алоқаси боғламасига етакчилик қила бош-лади. Тўққиз йил давомида бу жа-моа илорлар сафидан мустақам ўрин эгаллади.

— Гоҳида Деновга борсам, мени таниган кишилар салом-алик қилишиб ҳурматимни жойига қўйишди, — дейди Аб-дижаббор ака фахрланиб. — Ана шунда ҳамкасбларим назарига тушганимдан қувонаман.

Истиқлолнинг илк йилида Абдижаббор Авазов яна ўзи туғилиб-ўсган туман — Узун почта ва алоқа боғламасига раҳ-бар бўлиб қайтди. Вилоятнинг Ангор, Бойсун, Қизирқ, Жарқўрғон ва Шўрчи туманла-рида бўлгани каби Узунда ҳам қўшқаватли алоқа уйи фойда-ланганга назорат қилиш вил-оят алоқа ишлаб чиқариш бошқар-маси бошлиғи, вилоят депута-ти Олимжон Эшоннов бошлаган ташаббус узунлик алоқачилар-

га ҳам муҳим қулайлик ярати-лишига сабабчи бўлди. Айни пайтда Абдижаббор ака "Моҳир алоқачи" кўрак нишонини соҳи-бига айланди. Ўйиборлиси, унинг номи янги ва замонавий иншоот бунёд этилиши билан бир умрга муҳрланиб қолди.

Абдижаббор ака сеvimли со-ҳасида қарийб қирқ йил самара-ли хизмат қилди, бунёдкорлик ишлари ва самимий муносабат-лари билан нафақат касбдошлар-ни кўнглидан чуқур жой олиш, балки фарзандларидан бирида алоқачиликка илос ўйғота бил-ди. ТАТУ битирувчиси Ҳасан Ава-зов ҳозир "Ўздунробита" хорижий корхонасида хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида бир-бирига боғланиб бораётган хайрли ишлар ва уларнинг эъти-борга молик натижалари меҳнат пенсиясига чиққан алоқа хо-димига ўзгача куч-қувват ва ил-ҳом бахш этди. Шу тарзда у гул-чиликни ривожлантиришни их-тиёр этди. Ўша онда отаси Қора-бой аканинг "Ерга юзта уруғ ташласанг етмиштаси униб чиқса хурсанд бўл, мендан боғ-бон чиқали деб ўйла", деган на-сиҳати ёдига келди. Биринчи ҳаракати худди шундай нати-жа берди. Абдижаббор ака ўзига ишонч туйғусини ҳис этди.

Ени тумандаги касб-ҳунар коллежларига совға қилди. Истиқ-лол иншоотлари апрофи чамандай чирой оқди. Шундан бери шахсий томоққа ҳўжалигининг бир қисми юртни яшнатишга хизмат қилмоқ-да, энг муҳими, алоқа соҳаси фа-хрийсининг бу ибрат манзили ав-лодларни эзгуликка чорлаётгани би-лан қўмнатлидир.

Нормтожи ЗИЕВ,
"Xabar"нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири

Хикмат

Сахийлик инъом этилган нарсаларнинг миқдори билан эмас, балки ўз вақтида берилиши билан ўлчанади.

ЛАБРЮЙЕР

Бир соҳада узоқ йиллар ишлаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун кишида касбга меҳр, чидам ва қаноат бўлиши лозим. Гулнора опанинг меҳнат фаолияти почта алоқаси билан боғлиқ. Опанинг шу соҳадаги фаолияти ҳам ўттиз беш йилга яқинлашибди. Умр — мисоли карвон, деганлари шу бўлса керак.

Гулнора Мансурова 1977 йилда ўрта мактабни тамомлаб ҳужжатларини Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институ-тига топширди. Бироқ унга омад кулиб боқмади. Қарши почта алоқаси идорасида меҳнат қилаётган ҳоласи Гулнора-нинг тушкун ҳолатда қўриб, уни ўзи меҳнат қилаётган идорага ишга таклиф этди. Ўша вақтда Қарши почта алоқа-си идораси бошлиғи бўлиб ишлаётган Валентина Демечева Гулнора Мансуровани Қарши Почтамт суғурта бўлими опе-раторлигига ишга қабул қилди. Азиза Абдурахмонова, Раи-са Кадирметова, Гулнора Аралова сингари устозлар қўма-гида қисқа вақтда соҳа сирларини ўзлаштириб олди.

Қанийди, устозимдек бўлсам!

— Эл ишончини қозониш инсон учун бахт, — дейди Гулнора опа. — Почта ходими эл оралаб юради. Минглаб ки-шилар билан мулоқотда бўлади. Шу боисдан улар учун тўғри-сўзлик, мулоимлик муҳим аҳамият касб этади. Инсон қадр-қиммати унинг мол-давлатига эмас, халқ, жамоа орасидаги обрў-эътибори, муомаласига қараб белгиланади. Ана шу соҳа-га илк қадам қўйганимданок устозларимнинг ҳурмат-эътибо-рига ҳавас қилиб, қанийди, устозимдек бўлсам дегандим.

Гулнора Мансурова қарийб ўн беш йил суғурта бўлимида меҳнат қилди. Қарши почта ишлаб чиқариш участкаси ҳисоб-чиси вазифасида ишлаётганига эса йигирма йил бўлади. Ҳисоб-чилик таваккалчиликни ёқтирмайди деганларидек, Гулнора опа фаолияти давомида буни ҳақиқат эканлигини яхши ту-шунди. Шундай экан, ҳар бир ёзилган рақам ортида ин-сон тақдири ҳам турганлигини қалбдан ҳис этадиганлардан.

Ўзининг меҳнат фаолияти давомида шаҳар почта алоқаси тармоғига тегишли барча ташкилот, муассаса, корхоналар ўртасида почта алоқаси соҳасининг иқтисодий-молиявий кўрсаткичларини ошириш борасида тарғибот ва ташвиқот иш-ларини олиб бораётган Г.Мансурова иш услуби билан кўпчи-ликка ибрат. Ўзи хизмат қилаётган Қарши почта алоқаси тар-моғида 18955 нафар пенсионер бўлиб, ҳар ойда 3487289,7 сўм миқдорида пул маблағи олади. Олинган маблағларни бош ха-зинадан алоқа бўлимларига сифатли ҳамда бутлигини таъ-минлаб етказиш борасида намунали хизмат кўрсатиб, ҳар йили обуна мавсуми даврида шаҳарда жойлашган ташкилотлар ўрта-сида тарғибот ишларини юритаётганлиги сабаб даромадлар-нинг салмоғи ошиб бораётир. Ноанъанавий хизмат турларидан тушаётган даромадларни кўпайтириш мақсадида табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви, иссиқ сув, халқаро сўзла-шувлардан пул маблағи йиғишда алоқа бўлимларига амалий ёрдам кўрсатади. Тажрибали ҳисобчи Гулнора Мансурова со-ҳада эришган ютуқлари сабаб "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ-нинг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири



Замон билан ҳамнафас

фойдаланган ҳолда тез ва сифат-ли ахборот хизмати кўрсатилиб келинмоқда. Жумладан, фойда-ланувчи сўрови асосида китоблар-нинг ёки ҳужжатларнинг элект-рон вариантини яратиш, ҳужжат-ларни нусхалаш, принтердан чи-қариш, маълумотларни компакт диск ва флешка-га ўтказиб бериш, интернет ва Ziyonet тармоқ-ларидан фойдаланган ҳолда ахборотларни олиш ва юбориш йўллари ўргатилмоқда.

Марказимиздаги ноёб ва соҳавий адабиётлар-

нинг электрон варианты яратилмоқда, бу элект-рон китоблар билан китобхоналар бемалол фойда-ланишлари мумкин. Бундан ташқари, вилоятдаги АРМ ходимларининг компьютер саводхонлиги бўйича малакасини ошириш ҳамда ИРБИС ва KaDaTa дастурлари, интернет ва Ziyonet тар-моқларидан, e-mail ва веб-сайтлардан фойдала-ниш бўйича равишда амалий машғулотлар олиб борилмоқда.

Ш.ПАРМОНОВА,
Сирдарё вилояти ахборот-кутубхона
маркази сектор мудири

Ҳозирги кунда ҳар бир соҳада бўлгани каби кутубхоначилик соҳасига ҳам ахборот технология-лари жадал суръатларда кириб келмоқда. Бизнинг ахборот-кутубхона марказимизда ҳам фойдаланув-чиларга замонавий ахборот технологияларидан

Сирдарё вилояти ахборот-кутубхона марказида "Ватан — саждагоҳ каби муқаддасдир!" мавзусида АКМ ходимлари ўртасида давра суҳбати ўтказилди.

Ватан — саждагоҳ каби муқаддасдир!

Унда вилоятимизнинг таниқли шоир ва ёзувчилари, Республика маънавият ва тарғибот марказининг Сирдарё вилоят бўлими ҳамда сиёсий партия вакиллари иштирок этди. Тадбирни АКМ директори Алижон Бойматов очиб, барча иштирокчиларни мустақиллигимизнинг 20 йиллиги билан муборакбод этди.

Тадбирда Республика маънавият ва тарғибот марказининг Сирдарё вилоят бўлими раҳбари Солижон Кудратов сўзга чиқиб, мустақиллик йилларида мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётида ижобий ўзгаришлар юз берганлигини, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш бобида фаол ва самарали қадамлар қўйганлигини таъкидлади. Шунингдек, у истиқлол йилларида мамлакат фуқароларига ахборотдан эркин фойдаланиш бўйича ҳам кенг имкониятлар яратилганлигига алоҳида урғу берди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Сирдарё вилоят кенгаши маънавий ва маърифий ишлар бўйича бош мутахассиси Дилором Ҳасанова ўз сўзида миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантиришга қўмаклашиш, тарихий-маданий меросни сақлаш, фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадида ахборот-кутубхона муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш кераклигини таъкидлаб ўтди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Алишер Нурбоев Ватан ва мустақиллик ҳақидаги шеърларидан ўқиди.

Тадбир доирасида марказ ходимлари томонидан ушбу санага бағишлаб китоблар ва ахборотлар кўргазмаси ташкил этилди. АКМда кўп йиллардан буён хизмат қилиб келаётган ходимларга фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шаҳло АБДУКАРИМОВА,
Сирдарё вилояти АКМ кутубхоначиси

Жорий йил август ойида "Ўзбектелеком" АКнинг Бухоро филиалида компаниянинг 2011 йил 26 июндаги 307-буйруғига асосан тузилган ўқув дастурлари асосида бир қатор машғулотлар ўтказилди.

Ўқув машғулотлари

Жумладан, "Дебиторлик қарздорликни бошқариш: компанияда қарзлар билан ишлашни такомиллаштириш" курси бўйича ўтказилган машғулотлар давомида барча шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламалари иқтисодчилари, ҳисобчилари ҳамда абонентлар бўлиmlарининг операторлари Плеханов номидаги Москва Давлат университети Тошкент филиали доценти Борис Огонянц томонидан ўқилган бир қатор маърузаларни тинглади. "Бухгалтерлик ҳисобининг меъёрий базаси", "Дебиторлик қарздорликнинг иқтисодий тоифа сифатидаги аҳамияти", "Корхонанинг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятини аниқлаш", "Давлат комиссиясининг дебитор қарздорликни тугатиш бўйича иш механизми" ва бошқа мавзулардаги маърузалар шулар жумласидандир.

Шунингдек, ўқув дастуридаги "Алоқа линияларининг қурилиш ва эксплуатация жараёнида хавфсизлик чоралари" курси бўйича ўтказилган машғулотларнинг асосий тингловчилари бўлган шаҳар ва туман ТБларининг етакчи муҳандислари, хавфсизлик техникаси мутахассислари ўзларининг назарий билимларини янада ошириш, амалий кўникмаларини мустақамлаш имконига эга бўлишди. Тошкент алоқа касб-хунар коллежи ўқитувчиси Ёқуббой Мўминов тингловчилар ҳузурда "Бахтсиз ҳодисаларни текширишдан ўтказиш ва уларни таҳлил қилиш", "Ҳаво, кабел, оптик толали алоқа линияларини қуриш ва улардан фойдаланишда келиб чиқадиган бахтсиз ҳодисаларни бартараф этиш чоралари" ва бошқа мавзуларда маърузалар ўқиб, тингловчиларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб берди.

И.АСҚАРОВ

Билимлар кўни нишонланди

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида Билимлар кўнига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда филиалнинг профессор-ўқитувчилари, талабалар, вилоят ва шаҳар ҳокимлигининг масъул ходимлари, алоқа корхоналари раҳбарлари, ота-оналар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирни филиал директори Одилбек Турғунов табрик сўзи билан очиб, талаба ёшларни янги ўқув йилининг бошланиши, мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги билан табриклади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Санжар Орипов талабаларга янги қабул қилинган ёшларни табриклар экан, соҳа мутахассислари тайёрлайди-



ган олий таълим масканининг салоҳияти, собиқ талабаларнинг алоқа ва ахборотлаштириш тизимидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётганликлари, яратилган шароитлар тўғрисида гапирди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, филиалда янги ўқув йилида 170 нафар талаба, уларнинг 55 нафари

давлат гранти асосида, 115 нафари эса тўлов шартномаси асосида ўқишга қабул қилиндилар. 70 нафар талаба ёшлар "Бунёдкор ёшлар" меҳнат отрядида бўлиб, назарий билимларини амалиётда қўладилар.

Талабалар томонидан бадий қисм намойиш этилди.

И.АФТОНДИЛОВ

Биринчи синф ўқувчиларига компютер

"Жиззахаккумуляторзаводи" очик акциядорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси икки йилдан буён корхонада хизмат қилаётган ишчи-ҳодимларнинг 1-синфга ўқишга борган фарзандларини ўз маблағи ҳисобидан компютерлар билан мукофотлаб келмоқда.

Ўтган йили 47 нафар биринчи синф ўқувчиларига компютер берилган бўлса, бу йилги янги ўқув йилида эса корхона ишчи-хизматчиларининг 57 нафар фарзандига ана шундай совғалар топширилди.

Толибжон ЭРГАШЕВ,
"Xabar"нинг Жиззах вилоятидаги мухбири

Бахтли дамлар сурури

Олий ўқув юртини тугаллаб, шундай нуфузли ташкилотда иш бошлаганимдан беҳад бахтиёр эдим. Буни қарангки, ҳаётимда яна бир кутилмаган ҳодиса юз берди. Ягона ойна марказида ишляпман. Бу раҳбариятнинг юксак ишончи — бахт ва айни вақтда катта масъулият ҳамдир. Уни оқлашим учун бор билим-салоҳиятимни ишга соламан.



Марказимиз замонавий руҳда қайта бунёд этилди. Қулай ва шинам. Кирганлар "О, қойил!" деб ҳайратларини яшира олмайдилар. Мижозлар компаниянинг улгуржи секторидаги барча хизматлар мажмуасидан фойдаланишмоқда. Ўтган қисқа вақт мобайнида интернет абонентлари сони анча кўпайди. 400тадан ортиқ "Set Top Box" тюнерлари сотилди. Аниқ-тиниқ тасвирдаги рақамли телевиденидан фойдаланаётган фарғоналиклар юксак сифатдан беҳад хурсанд.

Мен шундай қайноқ жабҳада ишлаётганимдан, элимга, ишхонамга нафим тегаётганидан мамнунман. Биламан, ҳали ўз устимда

ишлашим, изланишим, ишни янада тез ва пухта бажаришга кўникишим керак. Мақсадим, малакамни тинмай ошириб, энг яхши мутахассис бўлиб етишишимдир. "Uztelecom" савдо белгиси, миллий оператор номини ҳалол меҳнатларим билан улуғлаб, унга бўлган халқ ишончини янада мустақамлашга ўзимнинг камтарона ҳиссамни қўшаман.

Умидахон МАҲМУДОВА,
"Ўзбектелеком" АК
Фарғона филиали мутахассиси

Тошкент — жаҳон бадий гимнастика маркази

Тошкентда бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва "Нарру Сагавап" халқаро турнири якунланди

Мусобақалар Халқаро гимнастика федерацияси, Ўзбекистон гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилди.

Қизғин, кескин ва мурасиз курашларга бой мусобақаларда дунёнинг 18 мамлакатидан энг кучли 28 нафар спортчи, шунингдек, кўплаб истеъдодли ёш гимнастикачи қизлар иштирок этди. Мусобақалар дастуридан кўпкураш — яккалик ва гуруҳ беллашувлари ҳамда айрим гимнастика турлари бўйича финал машқлари жой олганди.

Кўпкураш мусобақалари якунларига кўра, биринчи ўрин россиялик спортчи Даря Дмитриевага берилди. Жаҳон кубоги босқичининг кумуш медалига россиялик Александра Меркулова, бронза медалига эса беларуслик Любов Черкашина сазовор бўлди. Ўзбекистонлик

Уляна Трофимова тўртинчи ўринни қўлга киритди. Айни пайтда, у турли спорт предметларида машқ бажариш бўйича юксак маҳоратини намойиш этиб, булавада машқ бажариш натижалари бўйича иккинчи, тасмада машқ бажариш бўйича финал беллашувларида учинчи ўринни эгаллади.

Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги "Нарру Сагавап" халқаро турнирида иштирок этган ёш спортчиларимиз ҳам ўз маҳорат ва истеъдодини намойиш қилишди. Кўпкурашда биринчи ўрин россиялик Юлия Синицинага берилди. Ҳамюртимиз Анастасия Сердюкова кумуш медални қўлга киритди. Айни пайтда у тасмада машқ бажариш бўйича биринчи ўринни эгаллади. Ўсмирлар ўртасидаги кўпкурашда учин-



чи ўрин беларуслик Елена Болотинага nasib этди.

Халқаро гимнастика федерацияси Техник кўмитаси вице-президенти, мусобақалар бош ҳаками Н.Кузмина бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақаси ва "Нарру Сагавап" халқаро турнирини ёпиқ деб эълон қилди. У мусобақаларни юксак савияда ташкил этгани учун Ўзбекистон гимнастика федерациясига алоҳида миннатдорлик изҳор этди.

Фото-хабар



Халқаро каноэ федерацияси (ICF) каноэда эшакка эшиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, икки карра жаҳон чемпиони Валдим Менковни кетма-кет учинчи марта жаҳоннинг "Энг яхши каноэчиси" деб эълон қилди.

Ўзбекистонда ўтадиган жаҳон чемпионатининг мuddати аниқ

20 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги 2012 йилги Жаҳон чемпионати Ўзбекистонда 18 августдан 9 сентябрга қадар бўлиб ўтади. Бу ҳақда ФИФАдан расмий ҳужжат келиб тушди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистоннинг Жаҳон чемпионати баҳсларини қабул қилиши тўғрисидаги ФИФАнинг қарори шу йилнинг 3 март кuni эълон қилинган эди. Ушанда ФИФА президенти Йозеф Блаттер қуйидаги фикрни билдириб ўтган эди: "Ўзбекистонда аёллар футболу ривожланмоқда ва биз бугун ушбу мамлакатга 20 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги 2012 йилги Жаҳон чемпионати мезбонлигини топширганимиздан бахтиёрмиз".

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низоимнинг 49-бандига асосан "INTERMIKRO-TELEKOM-SYSTEM" маъсуляти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (локал-транкли тизим) алоқа тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003602 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2011 йил 6 сентябрдан тугатилди.

Табриклаймиз!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Кува, Учқўриқ почта алоқаси тармоқлари ходимлари Йўлчибой ЭРГАШЕВ ҳамда Назиржон АШУРОВНИ 60 ёши, Олтиариқ почта алоқаси тармоғи ходими Ғойназар ИСМОИЛОВНИ 55 ёши билан чин дилдан табриклайди. Уларга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, фарзандлар камолини кўришликни тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Хоразм филиали жамоаси Хива ПАТГА қарашли "Маданият" алоқа бўлими бошлиғи Шавкат САЛАЕВНИ 60 ёшга тўлганлиги муносабати билан табриклайди. Унга узоқ умр, ишларида муваффақиятлар тилайди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кенгаши Кўчма соврини учун мини-футбол мусобақаларининг 2011 йилги финал босқичи қатнашчилари (вилоятлар):

"Алоқабанк"нинг Бухоро филиали жамоаси

	Исм-фамилияси	Тутилган санаси	Вазифаси
1	Замир Уринович Азимов	1987 йил 12 ноябр	Пластик картчаклар бўлими мутахассиси
2	Шерали Гисович Жалилов	1984 йил 7 октябр	Ойбор мудири
3	Нуррадин Насриддинович Нарзиев	1983 йил 21 феврал	Валюта шўъбаси мудири
4	Анвар Ражабович Холов	1981 йил 16 август	Ҳайдовчи
5	Сардор Салоҳиддинович Қудашев	1987 йил 15 январ	Пула муомаласи бўлими етакчи мутахассиси
6	Умиджон Хантмамбетович Атаджонов	1990 йил 21 март	Кечки класир
7	Мақсул Каримов	1981 йил 16 август	Архивариус, иш юритувчи
8	Сухроб Султонович Худойбердиев	1984 йил 2 март	Богбон
9	Хуршид Саъдуллаевич Жамоев	1981 йил 26 август	Мини банк мудири
10	Элбек Турсев	1979 йил 24 май	Кредит мутахассиси
	Б.Набиев		жамоа вакили

"Алоқабанк"нинг Навоий филиали жамоаси

	Исм-фамилияси	Тутилган санаси	Вазифаси
1	Файридин Бариев	1987 йил	Кредит бўлими 1-товфали мутахассиси
2	Азим Расулов	1978 йил	Ҳисобчи
3	Фарҳод Болтаев	1985 йил	Қадрлар бўлими бошлиғи
4	Аваз Аҳмедов	1986 йил	Пула муомаласи бўлими мутахассиси
5	Жаҳонгир Эшқуватов	1988 йил	Ахборотлаштириш оператори
6	Вохид Ибодов	1990 йил	Ҳушдор мудири
7	Беход Тухтаев	1983 йил	Бош ҳисобчи ўринбосари
8	Ғайрат Қодиров	1986 йил	Ҳисобчи
9	Нодир Муҳторов	1986 йил	Кредит бўлими бош мутахассиси
8	Умид Обитов	1987 йил	Навоий Бирлашган КУК спорт ўйинчиси
9	Ғалилдин Қаршиев		жамоа вакили

"ЎИ-Жиззах" филиали жамоаси

1	Ибрагим Фурқатович Рашидов	1986 йил 2 июл	"ЎИ-Жиззах" филиали Зилол АТС бўлим бошлиғи
2	Алишер Жалилов	1955 йил 26 апрел	"ЎИ-Жиззах" филиали ТХ ва ММК менежери
3	Бобир Боймиргазиевич Состер	1982 йил 15 сентябр	"ЎИ-Жиззах" филиали заминчи оператор
4	Ғулом Каримович Қурбонов	1972 йил 21 март	"ЎИ-Жиззах" филиали-бидлин менежери
5	Хайрилла Ҳакимжонович Ҳатамов	1982 йил 3 май	Ҳайдовчи
6	Отабек Акмалович Камолов	1986 йил 27 ноябр	Маркетинг бўйича ассистент
7	Миромил Мамаржабович Абдулов	1987 йил 3 август	6-АТС набоитчи мудири
8	Акмал Абдумунонович Совербоев	1988 йил 7 ноябр	Иқтисод бўйича ассистент
9	Рита Нуримовна Зарипова		жамоа вакили

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси

1	Лутфулло Болтабоев	1981 йил 30 сентябр	Фарғона шаҳар ТБ ЭПУ электромонтери
2	Баҳодир Ҳасанбоев	1989 йил 11 март	Фарғона шаҳар ТБ электромонтери
3	Акмал Абдулғазов	1987 йил 16 октябр	Фарғона шаҳар ТБ 22-АТС мудири
4	Аҳад Расулов	1986 йил 15 октябр	Кўҳон шаҳар ТБ мудири
5	Акмал Тўйчиев	1986 йил 24 май	Фарғона шаҳар ТБ ШАТ электромонтери
4	Абдор Қодиров	1979 йил 28 октябр	Фарғона шаҳар ТБ 24-АТС электромонтери
5	Майрон Отажонов	1990 йил 1 октябр	Фарғона филиали Компютер хизмати маркази оператори
6	Нодир Каримов	1987 йил 19 декабр	Кўҳон ва тизимлаш бўлими алоқа монтажчиси
7	Акмал Эргашев	1988 йил 16 июн	Елбон ТБ АТС мудири
8	Ўткир Султонов	1981 йил 8 ноябр	Фарғона шаҳар ТБ ҳушдорчиси
9	Рустам Юрсунович Турсунов		жамоа вакили

Самарқанд вилоят Техник радионазорат станцияси жамоаси

1	Якубжон Ҳайдарович Гаффаров	1960 йил	ТРНС радиооператор
2	Ҳусниддин Турғубоевич Мулланов	1978 йил	ТРНС мудири
3	Хуршид Тўлқонович Тоқиев	1982 йил	ТРНС мудири
4	Жамолддин Давурбоевич Қодиров	1983 йил	ТРНС мудири
5	Мурод Сирожиiddинович Абдулвалиев	1984 йил	ТРНС мудири
6	Ахмад Абдулқодир Олмасов	1984 йил	ТРНС мудири
7	Музаффар Қурбоневич Умирзаков	1984 йил	ТРНС радиооператори
8	Мўминжон Абдумаликович Абдулҳакимов	1984 йил	ТРНС радиооператори
9	Саломжон Раҳмонжонович Эгамбердиев	1984 йил	ТРНС техник
10	Рустам Якубжонович Гаффаров	1988 йил	ТРНС техник
11	Беход Иноятилович Давурбаев	1988 йил	ТРНС электроти
12	Салжор Насриддинович Назаров	1982 йил	инструктор
13	Якубжон Ҳайдарович Гаффаров		жамоа вакили

"Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали жамоаси

1	Еқуб Аноркулов	1982 йил	Тошкент филиали АМТС бошлиғи
2	Алиқ Уролов	1986 йил	Тошкент филиали мудири
3	Завир Олимов	1984 йил	Тошкент филиали мудири
4	Абдулқодир Иброҳимов	1984 йил	Тошкент телекоммуникациялар бўлимида электромонтери
5	Ҳабиб Мамадалиев	1977 йил	Антен телекоммуникациялар бўлимида электромонтери
6	Камолддин Файлиев	1982 йил	Антен телекоммуникациялар бўлимида электромонтери
7	Зокир Хамидов	1969 йил	Антен телекоммуникациялар бўлимида мудири
8	Лағзат Абдиев	1990 йил	Озмалик ТБ кабелчиси
9	Абдулқодир Қодиров	1984 йил	Зангиота ТБ электромонтери
10	Еқуб Раҳимов	1984 йил	Филиал ҳушдорчиси
11	Малик Васнович Ҳайдаров		жамоа вакили

MOZIYGA QAYTIB

Бухоро амирлигининг давомиди



**ДИҚҚАТ,
ОБУНА
БОШЛАНДИ!**

Кўпчилик Бухоронинг сўнгги амирами Амир Олимхон ҳақида гап кетгудай бўлса, унинг беҳисоб бойлигини кўз олдига келтиради. Дарҳақиқат, Амир Олимхон авлоддан авлодга ўтиб тулганган жуда катта бойлик эгаси бўлган. Маҳмуд-хўжа Беҳбудий "Ойна" журналининг 1914 йил, 25-сонидида Бухоронинг сўнгги амирами хазинаси ҳақида қуйидагиларни ёзади:

...ҳозир Бухоро амирами тасарруфи остида бўлган хазина шу даражада мўлки, ҳеч бир мамлакат хазинасида бул даражада эҳтиёт сақланган олтин ва кумуш пул, тилла ёмбилар бўлмаса керак. Бухоро амирами саночларида сақланаётган олтин ва кумуш пуллар бўйи 50 олчин, эни 20 олчин ва баландлиги 8 олчин бўлган бир тоғдан иборатдир.

Агар бир олчин 70 сантиметр эканлигини инобатга олсак, бу олтин тоғ ҳажми қай даражада бўлганлигини тасаввур қилиш қийин эмас — 2744 куб метр. Бу тахминий маълумот, албатта.

Ҳақиқатан ҳам Бухоро амирлигининг бойлиги беқиёс даражада кўп бўлган. Бироқ ундан бирор марта ҳам на мамлакат, на халқ манфаатлари йўлида фойдаланилмаган. Амир Олимхоннинг бобоси Амир Музаффар билан унинг аёнлари ўртасида Россия ҳеч қандай арафасида мамлакат

учун жуда оғир бўлган бир пайтда бўлиб ўтган тарихий мулоқот ҳам буни тасдиқлайди. Сарой амалдорлари унга хазина бойликлари ҳисобидан чет элдан лашкар ёллаш ва ҳарбий техника сотиб олиш учун катта миқдорда пул сарф қилишни таклиф этишади. Бироқ амир амалдорлар таклифини рад этади. У йиллар давомида ажодларидан мерос бўлиб тулганган бойлиқни, гарчи бундан салтанат зарар кўрса-да, ишлата олмаслигини, падали бузрукворининг хазинаси шу вақтгача очилмаганини ва у ҳам очмаслигини айтади. Амир Музаффарнинг хасислиги эдими бу ёки эҳтиёткорлиги, ҳарқалай бу беҳисоб бойлик амирнинг авлодига ҳам, халқига ҳам насиб этмади. Аксинча, рус империяси босқинчилари уни талон-тарож қилиб, юртдан олиб чиқиб кетдилар.

Гап шундаки, Бухоронинг сўнгги амирами Амир Олимхон тақдир тақозоси билан йиллар давомида тулганган амирлик бойликларини ташлаб, 1920 йилнинг 1 сентябрида Бухорони тарк этишга мажбур бўлди. Худди шу кунни Михаил Фрунзе кўмондонлигидаги қўшин 11та аэроплан ва пулемётлардан шаҳарни ўққа тутиб, 34та гузар, олти мингга яқин уй ва дўкон, 29та масжиднинг қулини кўкка соуради. Минглаб беғуноҳ одамлар бевақт ҳаёт билан

видолашадилар. Шу билан бирга, у чоракан икки аср давомида тулганган амирлик хазинасини вагонларга ортиб, олиб чиқиб кетади.

Хазинага Бухоро амирлиги тахтига ўтирган амирларнинг ҳар бири маълум даражада ўз ҳиссасини қўшган эди. Мазкур хазинанинг тарихи шоҳ Раҳимхон ҳукмдорлиги даври билан боғлиқ, Бухорода ҳукмронлик қилган манғитлар сулоласи (сулола шоҳ Раҳимхон ҳукмронлигидан бошланади) аштархонийларнинг жуда катта мамлакат хазинасини қўлга киритиш орқали ривож топганлиги маълум. Ана шу вақтдан эътиборан Бухоро хазинаси узлуксиз тўлдирилиб келинган ва унинг миқдори қатъий сир сақланган.

Ушбу хазинадан жуда кўп миқдордаги Бухоро тилласи, рус ҳамда ёмби ҳолидаги Гамбург тилласи ва кумуши, кумуш, тилла тангалар, тилла кукуни, турк тилла диралари, бриллиантлар, бриллиант узук ва тақинчоқлар, қизил ёқут ва марваридлар, тилла ва кумуш парчалари, Бухоро мис тангалари мавжуд эди.

Афсуски, асрлардан асрларга ўтиб сақланиб ва тўлдириб келинган Бухоро амирлиги улкан хазинаси ана шундай аянчли яқун топди.

Дилором РАҲИМОВА,
ўқитувчи

**Қадри муштарийлар,
жорий йилнинг
9 сентябридан газета
ва журналлар учун
обуна бошланди.**

Келгуси йилда "Xabar" саҳифаларида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги ислоҳот ва ўзгаришлар, тизим корхона ва ташкилотлари амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари, соҳа ходимлари иш тажрибаси, фаолияти ва ҳаёти, АКТ соҳасидаги энг сўнгги янгиликлар, мамлакатимиз ва дунё хабарлари, ҳикоялар, машҳурлар ҳаёти, спорт янгиликлари, фойдали маслаҳатлар, кроссворд ва сканвордлар доимий бериб борилади.

Корхона ва ташкилотларни арзон нархларда реклама, эълон ва табрик-қутловларни саҳифаларимизда жойлаштиришга таклиф қиламиз.

Диққат, янгилик!

Келгуси йил учун "Xabar"га иккита индексда обуна амалга оширилади. 228-нашр кўрсаткичида одатдагидек обуна бўлишингиз мумкин. 3228-нашр кўрсаткичида эса тўлиқ бир йилга имтиёзли нархда газетамизга обуна бўлиб, йил давомида "Xabar"ни ўқиб боришингиз мумкин.

**Газета ҳафтанинг
жума кунни, 16 саҳифада,
тўлиқ теледастурлар
билан чоп этилади.**

**"Xabar" —
Сизнинг газетангиз!**

Ангина — хавфли касаллик

Куннинг иссиқ пайтларида авж оладиган касалликлардан бири ангинадир. Жазирамда хуш ёқадиган муздек ичимликлар, музқаймоқ, кондиционер, елвизак — буларнинг барчаси томоқнинг маҳаллий иммунитетни сусайишига олиб келади.

Шуни эсда сақлаш лозимки, ҳар биримизнинг танамизда касаллик тарқатувчи турли бактериялар яшайди ва иммунитетимиз нормал бўлган пайтда улар соғлиғимиз учун хавф туғдира олмайди. Яъни, иммунитетимиз бунга йўл қўймайди. Иммунитет сусайган пайтда эса бактерияларнинг кўпайиши учун шароит пайдо бўлади ва бу касаллиқни чақиради. Катталар ангина бутун тананинг зирқираб оғриши, томоқда шиш, оғриқ билан бошланади. Бодомсимон безларда эса йирингли қатлам бўлмайди.

Ангинанинг бошқа тури — фолликуляр ангинада эса тана ҳарорати 40 даражагача кўтарилиб, бўйин ва жағ ости лимфа тугунлари шишади, қалтираш,

ютинганда кучли оғриқ пайдо бўлади. Бунда бодомсимон безлар катталашади, юза қисми йирингли нуқтачалар билан қопланади. Лақунар ангинада эса бодомсимон безларнинг бутун қисмини йиринг қоплаб олади.

Хўш, бундай ҳолатларга тушмаслик учун нима қилиш керак? Иссиқ ҳавода муздек ичимлик ичишдан сақланинг. Яхшиси, илтиб ичинг. Кондиционер тагида ёки вентилятор рўпарасида ўтирманг. Улар вақтинчалик роҳат берса-да, оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини унутманг.

Мабодо касаллик пайдо бўлган бўлса, кўпроқ суюқлик ичинг. Томоғингизни мойчечак, календула, шалфей дамламаси билан тез-тез чайиб туринг. Ва, албатта, шифокор қабулига боринг. Унутманг, бактериялар қон оқими бўйлаб юрак мушакларига ҳам боради. Натижада сиз юзакка қараган ангина ортидан буйрак тўқималари зарарланиши, юрак пороги, артрит каби хавфли касалликлар келиб чиқиши мумкин.

Юнус АЗИМОВ,
шифокор

Xabar

МУАССИС:

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ**

**Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ**

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда бўйхатта олинган.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асадхон ХҲҲАЕВ, Миродия САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувои НАҲИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдулгани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикрларидан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — 0

Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета ҳафтанинг жума кунни чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-952 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ. Адади: 14256 нуска.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент, Бунёдкор тоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80

Бухорода 223-27-85

Гулистонда 40-12-19

Жиззахда 226-06-34

Навоийда 225-91-10

Наманганда 226-61-85

Нукусда 554-35-45

Самарқандда 233-61-81

Термизда 224-06-12

Тошкентда 288-40-66

Ургандда 226-37-16

Фарғонада 224-91-56

Қаршида 314-08-99